O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY [illegible] PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 21 июнь, № 122 (4532) Шанба

ПРЕЗИДЕНТНИНГ БУХОРО ВА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИГА САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари ва кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида 20 июнь куни Бухоро вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари сафарини Вобкент туманидаги "Ҳусен Болта замини" фермер хўжалиги далаларини кўздан кечириш билан бошлади.

Шу кунларда мамлакатимизда ғалла ўрим-йиғими жадал давом этмоқда. Деҳқонларимиз куч-ғайрати, пешона тери эвазига етиштирилган ризқ-рўзимизни нест-нобуд қилмасдан, қисқа фурсатларда йиғиб олиш учун барча чоралар кўрилаётир. Айни вақтда ғалладан бўшаган майдонларни тозалаш, шудгорлаш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида туб ўзгаришларнинг амалга оширилаётгани, жумладан, ернинг ўз эгасига — фермерга топширилиши, соҳага замонавий технологияларнинг жорий этилиши, хом ашё етиштириш билан чекланиб қолмай, қайта ишлашни йўлга қўйиш орқали қишлоққа саноатнинг олиб кирилаётгани иқтисодий юксалиш, эл-юрт фаровонлигини янада ошириш борасида асосий омил бўлмоқда.

Бухоро вилоятида ҳозир 15 мингдан ошиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Бу йил 350 минг тонна ғалла етиштиришни мўлжаллаган бухоролик миришкорлар 61 минг гектардан зиёд майдондаги ҳосилни уюшқоқлик билан ўриб-йиғиб олмоқда. Шунингдек, вилоят пиллакорлари қабул пунктларига 2,8 минг тоннадан ортиқ қимматбаҳо саноат хом ашёси топшириб, шартнома мажбуриятини уддаладилар.

Президентимиз "Ҳусен Болта замини" фермер хўжалигида бир гуруҳ фермерлар ва вилоят фаоллари билан учрашиб, қишлоқ аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш, фермерлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар хусусида суҳбатлашди.

— Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, фермерлик ҳаракатининг самараларини Бухоро вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин, — деди давлатимиз раҳбари. — Вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида эришилаётган ютуқларда сизларнинг, даромад манбаи бўлган ерга меҳр бериб, уни эъзозлаган, табиат инжиқликларига қарамай, фидокорона меҳнат қилиб, пировардида ўз рўзғорини ҳамда эл-юрт дастурхонини тўкин қилаётган фермерларнинг ҳиссангиз салмоқлидир. Таъкидлаш жоизки, фермерлик ҳаракати бугунги кунда қишлоқда ҳал қилувчи кучга айланди.

Бугун қишлоқ хўжалигида, хусусан, ғаллачиликда масъулиятли палла. Бошқача айтганда, ғалвир сувдан кўтариладиган пайт. Пахтакорларимизнинг ҳам юмуши ҳар қачонгидан кўпайган. Агротехник тадбирларни бир кунга кечиктириш, гулга кирган ғўзани чанқатиб қўйиш ҳосил тақдирига салбий таъсир кўрсатишини деҳқон яхши билади.

Учрашувда юрт таянчи ва эртаси — ёшлар масаласи, хусусан, таълим-тарбия соҳасида эришилаётган музаффақиятлар, бу борадаги долзарб вазифалар хусусида алоҳида тўхтаб ўтилди.

Мустақилликнинг илк йилларидан ҳар томонлама соғлом, мустақил фикрга эга авлодни вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир мустаҳкам қонунчилик асослари шакллантирилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида юзлаб замонавий ўқув масканлари барпо этилиб, моддий-техника базасининг мустаҳкамланаётгани ўғил-қизларнинг илм-фан оламида ўз имкониятларини намоён этишига хизмат қилаётир. Вилоятлар, туманлар марказлари билан бирга чекка-чекка қишлоқларда ҳам кўркам спорт иншоотлари фойдаланишга топширилиши спорт орқали ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда муҳим омил бўлаётир. Ёшлар йилида бу борадаги ишлар қамрови янада кенгаймоқда.

Бухоро вилоятидаги 538 умумтаълим мактабида ўқувчилар юқори педагогик технологиялар асосида билим олмоқда. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши кўлами ҳам кенгайиб бораётир. Сўнгги йилларда турли фанлар йўналишларига ихтисослашган 5 академик лицей ва 57 касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. Эътиборли жиҳати, ҳар йили вилоятдаги умумтаълим мактаблари битирувчиларининг 32 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга кираётир. Ихтисослашган мактаб-интернатлар битирувчилари ўртасида эса мазкур кўрсаткич янада юқори. Халқаро фан олимпиадаларида бухоролик ёшларнинг юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётгани мамлакатимизда таълим тизимида олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг ёрқин самараларидандир.

Учрашувда Жондор туманидаги 25-мактаб директори Фотима Эшмуродова таълим тизимида амалга оширилаётган бундай ижобий ўзгаришлар Президентимиз раҳнамолигида ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яққол ифодаси эканини таъкидлади.

Ислом Каримов Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилди.

Биз дунё тамаддунига ўзининг бой тафаккури ва закоси билан салмоқли ҳисса қўшган, инсоният тарихида ўчмас ном қолдирган буюк аждодларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Буюк аждодларимизнинг маданий-маънавий, илмий меросини ўрганиш, асраб-авайлаш ва бойитиш келгуси авлодлар олдидаги бурчимиздир.

Барча соҳалар қатори маънавий-маърифий жабҳада олиб борилаётган кенг кўламли тадбирлар замирида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассамдир. Хусусан, муқаддас қадамжоларни ободонлаштириш, улуғ бобокалонларимизга эҳтиром кўрсатиш, улар қолдирган маънавий меросни ўрганиш, ёшларни миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш устуворлик касб этмоқда.

Баҳоуддин Нақшбанд — инсониятни эзгуликка ундовчи теран қарашлари, ибратли амаллари ва мазмунли ҳаёти билан номи абадийликка муҳрланган муборак зотлардан. Ул зот мангу қўним топган макон Юртбошимизнинг ташаббуси ва раҳнамолигида мутлақо янгича қиёфага эга бўлди. Боғ-роғлар барпо этилди, зиёратчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Юртбошимиз мажмуани зиёрат қилар экан, буюк аждодлар хотирасини эъзозлаш, улар қолдирган меросни ўрганиш — бу келажакка эътибор эканини, миллат ўзлигини англаши юксак маънавият асосларидан ҳисобланишини таъкидлади.

Бухоро шаҳрида истиқлол йилларида кўплаб замонавий иншоотлар қад ростлади. Мамлакатимиз Президенти ўтган йили Бухорода бўлганида шаҳар марказини янгидан бунёд этиш зарурлигига шаҳар ва вилоят раҳбарлари, архитекторлар эътиборини қаратганди. Юртбошимиз бу борада амалга оширилаётган ишлар билан қизиқди.

Шаҳар марказини ташкил этувчи мазкур объект, лойиҳага мувофиқ, 50 гектардан зиёд майдонни эгаллайди. Президентимиз вилоят ҳокимлиги ва бошқа бинолар мукаммал меъморий ечимга эга бўлиши, Бухоронинг ўзига хос меъморчилик анъаналари ва замонавий архитектура андозалари уйғунлигида қурилиши зарурлигини таъкидлади. Унда фавворалар, яшил майдонларга алоҳида эътибор бериш лозимлигини қайд этди. Бухоро шаҳри марказида аҳоли, айниқса, ёшларнинг севимли маскани бўладиган, замон талабларига мос боғ-майдон бунёд этиш кераклигини таъкидлади. Шаҳарнинг янги маркази лойиҳасини такомиллаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириш юзасидан мутасадди раҳбарларга тавсиялар берди.

Шу куни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Қашқадарё вилоятига ташриф буюрди.

Юртимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, Қашқадарё вилоятида ҳам кенг қамровли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Қарши шаҳрида истиқлол йилларида халқаро стандартларга мос кўплаб спорт иншоотлари бунёд этилди. Шаҳар марказида қайта қурилган «Геолог» стадиони шулар жумласидандир. "Шўртангазкимё" мажмуаси буюртмасига мувофиқ барпо этилиб, маданият ва спорт-соғломлаштириш марказига айлантирилган ушбу иншоот 8000 томошабинга мўлжалланган. Мазкур иншоотда кўплаб спорт турлари бўйича секциялар фаолият кўрсатмоқда.

Президентимиз ушбу спорт мажмуи билан танишди.

Айни пайтда маданият ва спорт-соғломлаштириш марказида бассейн ва теннис кортини ўз ичига олган ёпиқ спорт саройи қурилиши давом этмоқда. Юртбошимиз мутасадди раҳбарлар ва мутахассисларга мазкур спорт иншооти қурилиши юзасидан топшириқ ва тавсиялар берди.

— Фарзандларимизни, айниқса, қишлоқ болаларини спортга кенг жалб этиш, хусусан, сузишга ўргатишнинг аҳамияти катта, — деди Президентимиз. — Бу бизнинг соғлом авлодни тарбиялашдек юксак мақсад-муддаоларимизга жуда мосдир.

Ислом Каримов бу ерда машқ ўтказаётган "Севинч" қизлар футбол жамоаси аъзолари, волейбол, бадиий гимнастика билан шуғулланаётган болалар, уларнинг мураббийлари, шунингдек, шаҳардаги маҳаллалар вакиллари билан мулоқотда бўлди.

Давлатимиз раҳбари жойларда қурилиш-бунёдкорлик ишларини амалга ошириш жараёнида ёшларнинг талаб ва эҳтиёжларини, қизиқишини алоҳида эътиборга олиш зарурлигини таъкидлади.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Эркин ЁДГОРОВ,
Ғулом МИРЗО,
Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари мустақиллик йилларида давлат сиёсатининг устуворликларидан бирига айланди. Бозор ислоҳотлари изчиллик билан ўтказиб келинаётганлиги, кенг кўламли давлат ижтимоий дастурлари амалга оширилаётганлиги туфайли бизда ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини ҳар тарафлама ҳимоя этиш, уларнинг уйғун тарзда камол топишини таъминлаш, илм олиш ва меҳнат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратилди.

ҚИШЛОҚДАГИ ЁШЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан қишлоқ ёшлари вакиллари иштирокида Сирдарё вилоятида "Қишлоқдаги ёшларни ишга жойлаштиришга доир вазифалар" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Иштирокчилар 2008 йил Ёшлар йили, деб эълон қилинганлигининг ўзиёқ ёшлар ҳақида қилинаётган давлат ғамхўрлигидан яққол далолатдир, дея таъкидладилар. Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан қабул қилинган "Ёшлар йили" Давлат дастурида ёшлар ҳуқуқларини таъминлашнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, навқирон авлодни миллий ва умумбашарий қадриятларнинг уйғун мужассамлиги руҳида, мустақил фикрлай биладиган, замонавий билимларни эгаллаган, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топишга қодир этиб тарбиялаш энг муҳим устувор йўналишлар деб белгиланди.

Қайд этиб ўтилганидек, ҳозирги вақтда Сирдарё вилоятида давлат университети, ўттизта касб-ҳунар коллежи, учта академик лицей, 303 та умумтаълим мактаби фаолият кўрсатмоқда, уларда 164 мингдан ортиқ ўқувчи ва талаба таҳсил кўрмоқда.

Вилоятда ёшларни ишга жойлаштириш борасида собитқадамлик билан иш олиб борилмоқда, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларининг иш билан таъминланиши мунтазам равишда мониторинг қилиб борилмоқда. Вилоят касб-ҳунар таълими бошқармаси мониторинги маълумотларига қараганда, 2007 йили ўқув юртларини тамомлаган 5789 талабадан 4564 нафари, бошқача қилиб айтганда, 79 фоизи ишга жойлаштирилган. Вилоят шаҳарлари ва туман марказларида бўш иш жойлари ярмаркалари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. 2008 йилда ўтказилган шундай ярмаркаларда мурожаат этган 1814 нафар йигит-қиздан 939 нафари доимий иш билан таъминланди.

Шу билан бирга, иштирокчилар қишлоқдаги ёшларни ишга жойлаштириш билан боғлиқ муаммоларни муҳокама этиш асносида бундай ёшларни қишлоқдаги ишларга тайёрлаш усуллари ва ёндашувларини такомиллаштириш зарур, деб айтдилар. Йигит-қизларни бозор шароитидаги ишларга тайёрлаш, хусусий тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги билимларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор бериш зарур, деган фикр ҳам билдирилди.

Тадбирда сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг вилоят бошқармалари, жамоат бирлашмалари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

(ЎзА).

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани ҳокимлигида "Ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш — давлат сиёсатининг устувор йўналиши" мавзуида семинар бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий маркази ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилди.

ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА – УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

Семинарда маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, ишлаб чиқариш корхоналари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими, бандликка кўмаклашиш марказлари мутасаддилари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, таълим масканлари вакиллари иштирок этди.

2008 йил — Ёшлар йили

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Абдураҳимова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати С. Аҳмедова, Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий маркази директори О. Абдураҳмонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлод камолоти, истиқболи йўлида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланганини таъкидладилар. Бу жиҳатлар таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, маънавий-маърифий ислоҳотлар жараёнида ўзининг яққол ифодасини топаётир.

(Давоми 2-бетда).

Халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг туб мазмун-моҳиятини ташкил этади. Бунда ички ишлар идораларининг, жумладан, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш хизматининг муҳим ўрни бор.

ФИДОЙИ КАСБ СОҲИБЛАРИ

Давлатимиз раҳбарининг куни кеча эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби ташкил этилганининг 15 йиллиги муносабати билан алоҳида ўрнак кўрсатган профессор-ўқитувчилардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони соҳа ходимларига давлатимиз томонидан катта эътибор берилаётганининг амалий ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида шу муносабат билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби бошлиғи, генерал-майор М. Собиров ва бошқалар

(Давоми 2-бетда).

Бир рақам шарҳи

АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ХИЗМАТИ ҲАЖМИ ОШМОҚДА



2008 йилнинг биринчи чорагида республикамизда автомобиллар ва бошқа техника воситаларини таъмирлаш бўйича хизматлар ҳажми 28 фоизга ўсди.

Ўтган даврда Андижон, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятларида «Ўзавтотеххизмат»нинг янги таъмирлаш устахоналари фойдаланишга топширилгани тизимда шундай ўсиш суръатини таъминлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси олдидан



Хабарингиз бор, яқинда пойтахтимизда парламент юқори палатасининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлайди. Кун тартибига мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига дахлдор қатор қонун ҳужжатлари киритилган. Улар орасида "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 224-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги Қонун ҳам бор. Мазкур ўзгартишнинг мазмун-моҳияти хусусида мухбиримизга Сенат аъзоси Парахат Калимбетов қуйидагиларни сўзлаб берди:

ҚОНУН ТАКОМИЛЛАШУВИ — ДАВР ТАЛАБИ

— Истиқлол йилларида фуқароларимиз қаерда бўлишидан қатъий назар уларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу билан бирга, республикамизда истиқомат қилаётган чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳам халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ тарзда таъминланаётир. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномаларида кўзда тутилган тартиб-қоидаларга биноан, тегишли жавобгарликларга ҳам эга.

Шу боис, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг мамлакатимизда бўлиши давомида уларнинг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 224-моддасига ўзгартиш киритилмоқда.

Мазкур кодекснинг "Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш" деб номланган 224-моддасининг биринчи қисмида чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиши, яъни мамлакатда яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, вақтинча ёки доимий прописка, кўчиш, турар жой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаслиги, мамлакатда бўлиш муддати тугагач, чиқиб кетишдан бўйин товлаши, шунингдек, давлатимиз ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига амал қилмаслигига нисбатан жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган. Бунда юқорида санаб ўтилган қилмишлар учун жиноий жавобгарлик маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг татбиқ этилади.

Шу ҳолатда Жиноят кодексининг 224-моддаси биринчи қисмида бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум этишдан ташқари, энг кам иш ҳақининг икки юздан тўрт юз бараваригача жарима ундириш назарда тутилган. Киритилаётган ўзгартишга мувофиқ, жариманинг энг кўп миқдори энг кам иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача белгиланмоқда. Бу ноқонуний миграцияга қарши курашиш ва Ўзбекистон Республикасида бўлишга доир қонунчиликка риоя этишда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг жавобгарлигини кучайтиришга оид чора-тадбирларнинг самарасини оширади.

Қисқа қилиб айтганда, "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 224-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги Қонун фуқароларнинг манфаатлари, уларнинг фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлашга, бу соҳадаги қонунчилик базасини такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қ. ХИДИРОВ ёзиб олди.

САНОАТНИНГ МУҲИМ ТАРМОҒИ

Пойтахтимизда 20 июнь куни Ўзбекистонда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати истиқболига бағишланган бизнес-форум бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан БМТ Ривожланиш дастурининг "Ўзбекистон бизнес-форуми" лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда қатор вазирлик ва идоралар, қурилиш соҳасида фаолият юритувчи корхоналар, фирма ва компаниялар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси раиси А. Шайхов юртимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатини янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади. Бунда давлатимиз раҳбарининг "Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида"ги Фармони (2005 йил 24 март) ҳамда "2007-2011 йилларда-ги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида"ги Қарори (2007 йил 1 июнь) муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш иқтисодиётнинг алоҳида аҳамият касб этувчи соҳаларидандир.

Мамлакатимизда мазкур тармоқ корхоналарини сифатли, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, илғор машина-ускуналар билан жиҳозлаш орқали модернизация қилишни жадаллаштириш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда. Яратилган қулай сармоявий муҳит эса хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришда, замонавий технологиялар ва коммуникация воситаларини жалб этишда, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашишда муҳим омил бўлмоқда.

Анжуман

Юртбошимизнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, 2007 йилда қурилиш материаллари экспорти икки баробар ошди. Жорий йил учун тасдиқланган йўл қурилиши дастурига мувофиқ 245 километрлик автомобиль йўллари қурилди ва реконструкция қилинди, 1750 километрдан кўпроқ халқаро ва давлат аҳамиятига молик умумий фойдаланиладиган йўллар капитал ва жорий таъмирдан чиқарилди.

Ўтган йили барча турдаги таълим муассасаларида янги қурилиш ва капитал реконструкция қилиш ҳисобидан энг замонавий ўқув-лабораторияларини ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган 169 та касб-ҳунар коллежи, 18 та академик лицей ҳамда 336 минг ўқувчига мўлжалланган 558 та умумтаълим мактаби ишга туширилди. 170 та болалар спорти иншооти барпо этилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда юздан ортиқ турдаги қурилиш материали ишлаб чиқарилмоқда. "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси корхоналарининг маҳсулотлари Ўзбекистон бозорининг етмиш фоиздан зиёдини эгаллаган. "Қизилқумцемент", "Бекободцемент", "Қувасойцемент", "Оҳангароншифер", "Кварц" каби корхоналар муваффақиятли фаолият юритмоқда. Уларнинг маҳсулотлари сифат менежменти тизимининг ИСО 9001:2000 халқаро стандарт талабларига тўла жавоб беради.

Тадбирда Ўзбекистон қурилиш материаллари саноатининг бугунги аҳволи ва истиқболлари, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги сўнгги янгиликлар, тармоқни модернизация қилиш, сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай шароит ва имтиёзларга доир маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ СОҒЛОМ ВА КУЧЛИ БЎЛСИН

Янги туғилган чақалоқ ҳар қандай оилага қувонч ва шодлик келтириши табиий. Соғлом фарзанднинг дунёга келиши эса ота-онанинг, биринчи навбатда, волиданинг руҳий ҳолатига, кайфиятига боғлиқ. Аёлларнинг ҳеч нарсадан толиқмай соғлом яшаши, тўла куч-қувват билан ишлаши жамиятнинг хотин-қизларга бўлган эътибори билан ўлчанади. Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, она-бола соғлиғи ва уларни муҳофаза этишга катта эътибор билан қаралмоқда.

Ўзбекистонда кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан соғлом оилани таркиб топтириш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш бўйича, «Она ва бола скрининги» (1998 й.), «Соғлом авлод» (2000 й.), «Она ва бола» (2001 й.), «Хотин-қизлар ва ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» (2002 й.), «Оилада тиббий маданиятни ошириш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» (2002 й.), «Сиҳат-саломатлик йили» (2005 й.) каби бир-қанча мақсадли дастурлар қабул қилинди.

Мушоҳада

Ўзбекистон Республикаси Президентининг куни кеча эълон қилинган «Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом миллатни шакллантириш борасидаги кўп қиррали ишларимизнинг мантиқий давоми бўлди, десак янглишмаймиз. Бу муҳим ҳужжатни амалга оширишда бўлажак оналарнинг саломатлигини доимий назорат қилиб борувчи, соғлом фарзандлар туғилишига хизмат қилувчи скрининг марказлари тармоғининг аҳамияти катта. Бугунги кунда мамлакатимизда ана шундай 11 та марказ фаолият юритмоқда.

— Мана ўн йилдирки, «Она ва бола скрининги» Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилмоқда, — дейди Республика скрининг маркази тиббий-генетика маслаҳат бўлими мудири Марҳабо Исломова. — Бу тадбирлар бошланган 2000 йилдагига нисбатан 14 фоизга камайди.

Бундан ташқари, соғлом оилани шакллантириш ва ирсий касалликлар келиб чиқиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 2004 йилдан бошлаб никоҳланувчи ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш тизими жорий этилди.

Бир сўз билан айтганда, болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш ва бартараф этиш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, моддий бойликларни асрашга қодир малакали мутахассис-офицерлар тайёрланмоқда. Уларнинг ҳар томонлама етук кадрлар бўлиб етишиши учун зарур барча шарт-шароит яратилган. Олий техник мактабда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси изчил таъминланмоқда.

Бу ерда фаолият юритаётган олим ва мутахассислар томонидан соҳа фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган кўплаб илмий ишланмалар яратилмоқда. Жумладан, уларнинг йигирмадан зиёд патентланган ихтиросининг 17 таси халқаро миқёсда ҳам тан олинган.

Замонавий моддий-техника базасига ва юксак илмий салоҳиятга эга бу маскандан ўтган давр мобайнида етти мингга яқин ёнғин хавфсизлиги муҳандиси ва техниги етишиб чиқди. Мактабда фидойилик сабоғини олган мутахассислар уни амалиётда ҳам кўрсатмоқда. Зеро, ўз жонини ўзгалар жони, мулки учун хатарга қўя олиш учун бундай фазилат жуда муҳим.

Маросимда Президентимиз фармонига биноан, ушбу мактабнинг алоҳида ўрнак кўрсатган профессор-ўқитувчиларидан бир гуруҳига "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор" унвонлари ҳамда "Фидокорона хизматлари учун", "Меҳнат шуҳрати", "Дўстлик" орденлари ва "Содиқ хизматлари учун" медаллари тантанали равишда топширилди.

— Президентимиз томонидан камтарона меҳнатларимизнинг юксак тақдирланган кўнглимизни тоғдек кўтарди, — дейди "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор" унвони соҳиби, мактаб илмий-техник маркази бошлиғи Миржалил Усмонов. — Давлатимиз раҳбарининг ички ишлар тизими, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ходимларига бундай улкан эътибори ва ғамхўрлиги бизни янада юксак садоқат ва фидойилик билан хизмат қилишга чорлайди.

Шу куни ушбу ўқув даргоҳида ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий ва илмий-техник муаммоларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда соҳани янада такомиллаштиришга қаратилган маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

Тадбир доирасида ўтказилган кўргазмада эса ёнғин хавфсизлигини таъминлашга доир янги техника ва воситалар намойиш қилинди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.
Темур ҚУРБОНБОЕВ
олган сурат.

ФИДОЙИ КАСБ СОҲИБЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимиз раҳнамолигида ички ишлар идоралари тизими, хусусан, ёнғин хавфсизлиги хизматини тубдан такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар соҳа ходимларини халқимиз манфаати, Ватан равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилишга ундаётганини таъкидладилар. Давлатимиз раҳбарининг ушбу таълим даргоҳи ташкил этилганлигининг 15 йиллиги муносабати билан қабул қилган фармонини бутун ички ишлар тизими шахсий таркиби катта қувонч билан кутиб олди.

Мазкур олий ўқув даргоҳида ёнғинларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, моддий бойликларни асрашга қодир малакали мутахассис-офицерлар тайёрланмоқда. Уларнинг ҳар томонлама етук кадрлар бўлиб етишиши учун зарур барча шарт-шароит яратилган. Олий техник мактабда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси изчил таъминланмоқда.

Бу ерда фаолият юритаётган олим ва мутахассислар томонидан соҳа фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган кўплаб илмий ишланмалар яратилмоқда. Жумладан, уларнинг йигирмадан зиёд патентланган ихтиросининг 17 таси халқаро миқёсда ҳам тан олинган.

Замонавий моддий-техника базасига ва юксак илмий салоҳиятга эга бу маскандан ўтган давр мобайнида етти мингга яқин ёнғин хавфсизлиги муҳандиси ва техниги етишиб чиқди. Мактабда фидойилик сабоғини олган мутахассислар уни амалиётда ҳам кўрсатмоқда. Зеро, ўз жонини ўзгалар жони, мулки учун хатарга қўя олиш учун бундай фазилат жуда муҳим.

Маросимда Президентимиз фармонига биноан, ушбу мактабнинг алоҳида ўрнак кўрсатган профессор-ўқитувчиларидан бир гуруҳига "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор" унвонлари ҳамда "Фидокорона хизматлари учун", "Меҳнат шуҳрати", "Дўстлик" орденлари ва "Содиқ хизматлари учун" медаллари тантанали равишда топширилди.

— Президентимиз томонидан камтарона меҳнатларимизнинг юксак тақдирланган кўнглимизни тоғдек кўтарди, — дейди "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор" унвони соҳиби, мактаб илмий-техник маркази бошлиғи Миржалил Усмонов. — Давлатимиз раҳбарининг ички ишлар тизими, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ходимларига бундай улкан эътибори ва ғамхўрлиги бизни янада юксак садоқат ва фидойилик билан хизмат қилишга чорлайди.

Шу куни ушбу ўқув даргоҳида ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий ва илмий-техник муаммоларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда соҳани янада такомиллаштиришга қаратилган маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

Тадбир доирасида ўтказилган кўргазмада эса ёнғин хавфсизлигини таъминлашга доир янги техника ва воситалар намойиш қилинди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.
Темур ҚУРБОНБОЕВ
олган сурат.

ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА – УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ёшлар йили» Давлат дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши бу борадаги эзгу ишлар кўламининг янада кенгайишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Дастурда навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш, таълим соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва такомиллаштириш, ёшларни иш билан таъминлаш, ёш оилаларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш асосий йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Бу борадаги вазифалар изчил таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир қатор вазирлик ва идоралар, молиявий тузилмалар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ёш оилаларга моддий ва маънавий кўмак бериш, имтиёзли кредитлар ажратиш, иш билан таъминлаш, тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, имконияти чекланган ёшларни соғломлаштириш, руҳий-тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш, жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш йўналишида бир қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Айни пайтда ёшларни касбий жиҳатдан қайта тайёрлаш, тадбиркорлик ҳаракатини кенг ривожлантириш орқали янги иш ўринларини барпо этишга эришиш, меҳнат бозори ва таълим тизими ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш, касбларга бўлган жорий эҳтиёжни мукаммал ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Семинарда имконияти чекланган ёшлар ва хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшларни касбга тайёрлашнинг долзарб масалалари, маҳаллада ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва иш билан бандлигини таъминлаш, оналик ва болалик — давлат ижтимоий ҳимоясида каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Янги уйлар — келин-куёвларга

Ёшлар йилида навқирон оилаларни янги турар-жойлар билан таъминлаш Тошкент вилоятида хайрли анъанага айланиб бормоқда.

Бу ишга йирик саноат корхоналари ва молия муассасалари ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар. Масалан, "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамияти раҳбарияти эски ишчилар ётоқхонасини тубдан таъмирлаб, яқинда 32 ёш оиланинг қувончига қувонч қўшди. "Халқ банки"нинг маҳаллий бўлими Чирчиқ шаҳрининг Истиқлол кўчасида жойлашган, калитлари эрта-индин бахтиёр келин-куёвларга топширилиши мўлжалланаётган 60 хонадонли кўпқаватли уйни молиялаштириб, унинг тез ва сифатли барпо этилишига бегараз кўмаклашди. "Узметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бунёдкорлари эса айни кезларда Бекобод шаҳрида "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида қад ростлаётган 32 хонадонли иккита тураржой биносидаги қурилиш-монтаж ишларини тобора жадаллаштирмоқдалар.

Бунёдкорлик

Абдунаби ҲАЙДАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР САМАРАСИ

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раҳбарияти, масъул ходимлари тўрт бора Фарғона вилоятига ташриф буюришди. Бу ташрифлар шунчаки ишчи сафари бўлиб қолмай, тадбиркорлар, ишбилармонлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан амалий мулоқотлар, самимий суҳбатлар, муаммоларни бамаслаҳат ҳал этиш анжуманларига айланиб кетаяпти.

Бир сўз билан айтганда, тадбиркорларнинг солиқ идораларига эмас, балки солиқчиларнинг ишбилармонлар ҳузурига келиши одатий ҳолга айланиб қолди. Айниқса, бундай учрашувлар вилоятнинг олис тоғли ҳудуди — Сўҳда, Шоҳимардонда, марказий Фарғона — Ёзёвонда ўтказилмасин, ишбилармон ва тадбиркорлар, фермер ва деҳқонлар, ислоҳотларни амалга оширишга даҳлдор деб билган ҳар бир киши учун бизнесини ривожлантириш, оёққа турғизишда муҳим омил бўлаяпти.

Яқинда ана шундай учрашувлардан яна бири бўлиб ўтди. Фарғона шаҳар ҳокимлиги мажлислар залига вилоятда фаолият кўрсатаётган 10 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектларининг 400 дан ортиқ вакили иштирок этди. Юзма-юз мулоқотда Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. Парпиев, Республика Савдо-саноат палатаси раиси А. Шайхов, Фарғона вилоят ҳокими М. Гофуров, вилоятдаги шаҳар ва туман ҳокимликлари, ташкилот ва бирлашмалар раҳбарлари иштирок этганлиги учун ҳам муаммолар, кўпчиликни қизиқтирган масалалар очиқ-ойдин, ошкоралик руҳидаги суҳбатга айланди.

Гурунгда, айниқса, текширишларни тартибга солиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига асоссиз аралашишларнинг олдини олиш, текширишларни қисқартириш, бизнес учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шу йил бошидан амал қилина бошлаган янги Солиқ кодекси афзалликлари ҳақида сўз борди.

Дарҳақиқат, ушбу Кодекс қисқа вақт ичида амал қилинаётганига қарамай, ўз афзалликларини намойиш этди. Тошлоқ туманидаги «СТА-Пласт» қўшма корхонаси раҳбари Султонбек Собиров таъкидлаганидек, янги Солиқ кодекси тадбиркорларни чинакам ҳимоя қўрғонига, бизнесдаги парвозининг старт майдонига айланди. Шу фикрни тадбирда иштирок этган «Фирантикор инвест» хусусий корхонаси раҳбари Абдуқундуз Юнусов, Бағдод туманидаги «Эхюн» фирмаси бошлиғи Муҳаммадюсуф Умурзоқов ҳам баралла изҳор этишди.

Тадбир

Мамлакатимиз раҳбарининг бевосита раҳнамолигида солиқ ставкаларининг йилма-йил камайиб бораётганлиги, бу мақсадларга эса янги Солиқ кодекси талабларидан келиб чиқиб, солиқ суммасининг тўлов муддати бир йилга кечиктирилгани тушунтирилди. Тадбиркорлар ҳисоб-китобни жойида қилишни ҳуш кўришади. Шу имтиёздан фойдаланилса, Фарғона шаҳридаги «Термосервис» хусусий корхонаси 457 минг сўм, «Қўқон нон дастурхон неъматлари» кичик корхонаси солиққа тўланадиган 18 миллион сўм маблағларини бошқа мақсадларга ишлатиш имкони туғилар экан.

Лағлар хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида қолаётганлиги ўз самарасини бераяпти. Биргина 2006 йилга нисбатан солиқ ва мажбурий тўлов ставкаларининг камайтирилишидан ўтган йили 66 миллиард сўм давлат хазинасига эмас, корхоналар, тадбиркорлар киссасида қолди. Бу маблағ ҳисобига ўнлаб янги корхоналар, ишлаб чиқариш тизимлари, юзлаб қўшимча иш ўринлари пайдо бўлди.

Янги Солиқ кодексига амал қилинишидан шу йилнинг ўтган вақти мобайнида Фарғона шаҳридаги «Ҳимоя-аудит» аудиторлик фирмаси 5,8 миллион сўм, «Кварц» акциядорлик жамияти 855 миллион, Фарғона шаҳридаги «Уртуза» кўз касалликлари хусусий шифохонаси 2,8 миллион сўм самара кўрганлиги анжуманда алоҳида таъкидланди. Янги рўйхатдан ўтган 35 та агрофирма, кичик корхоналар раҳбарларига эса янги Солиқ кодекси талабларидан келиб чиқиб, солиқ суммасининг тўлов муддати бир йилга кечиктирилгани тушунтирилди. Тадбиркорлар ҳисоб-китобни жойида қилишни ҳуш кўришади. Шу имтиёздан фойдаланилса, Фарғона шаҳридаги «Термосервис» хусусий корхонаси 457 минг сўм, «Қўқон нон дастурхон неъматлари» кичик корхонаси солиққа тўланадиган 18 миллион сўм маблағларини бошқа мақсадларга ишлатиш имкони туғилар экан.

— Корхонамиз нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, — дейди Фарғона шаҳридаги «Руслан импекс» хусусий корхонаси иш юритувчиси Равшан Эргашев. — Анжуманда вилоят иқтисодиёт бошқармаси томонидан ўн олишда муаммо туғилаётган эди. Юзма-юз мулоқотда бу масалани очиқ-ойдин гапирдим. Масала Фарғона шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Асилбек Назиров аралашуви билан бир кунда ҳал этилди. Сўхлик Ортиқ Олимов, Саодат Маконова, марғилонлик Расулжон Мирзаахмедовларнинг ҳам анчадан бери ечимини кутаётган муаммолари айнан шу анжуманда ҳал этилди.

Мажлис эмас, маслаҳат, сўров эмас, очиқ мулоқот, дилдан суҳбатга айланиб кетган бу анжуманда яна ўнлаб тадбиркорлар, ишбилармонлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топишди. Бу, шубҳасиз, бизнеснинг жозибадорлигини оширишга, тадбиркорлик муҳитини яхшилаб, солиқ базасининг ҳар томонлама ривожланишига хизмат қилади.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Камолот» ташаббуси



Шу кунларда ўқувчи ёшларнинг кўпчилиги ёзги таътилни оромгоҳларда ўтказмоқдалар. Мароқли ҳордиқ онлари ёшлар орасида маънавий-маърифий тарбияни кучайтириш, ўғил-қизларда юртсеварлик, фидойилик сингари юксак фазилатларни шакллантириш айниқса, ёшлар ташкилотларининг асосий юмушига айланган. Бу борада "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ёзни "Камолот" билан!" лойиҳасини тилга олиш мумкин.

ҲОРДИҚ МАРОҚЛИ ЎТАЯПТИ

— Жорий йил мазкур акция доирасида "Оромгоҳ — 2008" лойиҳаси ишлаб чиқилди, — дейди "Камолот" ЁИҲ Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Қ.Қуранбоев. — Ушбу дастур оромгоҳларда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларга қанот бағишлайди. Бу йил ёзги таътил асносида олий ўқув юртларининг талабалари болалар оромгоҳларига жалб этилади. Улар замонавий билимга эга малакали мутахассислардан маънавият тарғиботчилиги бўйича махсус билим олган ёшлардир. Зеро, шу кунгача Ҳаракат Марказий Кенгаши қошидаги "Етакчи" ўқув марказида пойтахтимиз олий ўқув юртларида таълим олувчи 180 нафар талаба ёзги оромгоҳларда етакчилик қилиш учун махсус ўқув курсларида ўқитилди. Марказ мутахассислари мавсум давомида 800 нафарга яқин ана шундай тарғиботчиларни тайёрлашади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 24 майдан 13 июнгача бўлган маълумот

(Давоми. Боши ўтган сонда).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикасида норезидентларга эркин алмаштириладиган валютада халқаро йўловчи ташиш учун темир йўл чипталарини сотиш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 867, 2000 йил 6 январь).*

Адлия вазирининг 2008 йил 29 майдаги 118-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Пеняларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги сертификатларни чиқариш, ҳисобга олиш, сақлаш ва бериш вақтинчалик тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 550, 1998 йил 28 ноябрь).*

Адлия вазирининг 2008 йил 29 майдаги 119-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

3. Жисмоний шахслар номига келувчи товарлардан божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундириш бўйича тушунтириш. *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 549, 1998 йил 25 ноябрь).*

Адлия вазирининг 2008 йил 30 майдаги 121-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

4. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ягона нархларда акс эттириш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 458, 1998 йил 29 июль).*

Адлия вазирининг 2008 йил 30 майдаги 122-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги ПФ–3080 Фармонида кўзда тутилган товарларнинг ТИФ ТН бўйича кодларини тасдиқлаш тўғрисида қарор. *Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1170, 2002 йил 3 сентябрь).*

Адлия вазирининг 2008 йил 30 майдаги 123-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

6. Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 662-2, 2003 йил 28 март).*

Адлия вазирининг 2008 йил 3 июндаги 125-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

7. Ломбардлар томонидан қабул қилинган ва муддатида талаб қилиб олинмаган қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларни Давлат жамғармасига топшириш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 70, 1994 йил 13 июнь).*

Адлия вазирининг 2008 йил 10 июндаги 128-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

8. Вино-ароқ маҳсулотларини улгуржи ва чакана сотишдан тушган тушумни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг махсус тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 724, 1999 йил 11 май).*

Адлия вазирининг 2008 йил 10 июндаги 129-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

9. «Тошуйжойжамғармабанк» томонидан номи ёзилган уй-жой облигацияларига хизмат кўрсатишда воситачилик ҳақини ундириш тартиби тўғрисида низом. *«Тошуйжойжамғармабанк» бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 289, 1996 йил 11 декабрь).*

Адлия вазирининг 2008 йил 10 июндаги 130-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

10. "Ўзозиқовқаттаъминот" ДАК томонидан импорт бўйича харид қилинадиган ижтимоий муҳим айрим турдаги озиқ-овқат товарларига чекланган чакана нархларини белгилаш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 984, 2000 йил 16 ноябрь).*

Адлия вазирининг 2008 йил 10 июндаги 131-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги санитария милициясининг ихтисослаштирилган бўлинмалари тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 537, 1998 йил 16 ноябрь).*

Адлия вазирининг 2008 йил 10 июндаги 134-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

И.М.ГУБКИН НОМИДАГИ РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ

2008-2009 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

- **Фойдали қазилмалар конларини қидириш ва разведка қилишнинг геофизик усуллари**
- **Қудуқларни тадқиқ қилишнинг геофизик усуллари**
- **Нефть ва газ қудуқларини бурғулаш**
- **Нефть ва газ конларини очиш ҳамда эксплуатация қилиш**
- **Корхонада иқтисодиёт ва бошқарув**

Филиалга талабаликка қабул қилиш билан боғлиқ бўлган ташкилий масалалар жорий йилнинг июнь ойидан ўз ишини бошлаган И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети қабул комиссияси ҳамда филиал танлов комиссияси томонидан ҳал қилинади.

Филиалда ҳужжатлар 2008 йил 16 июндан 1 июлгача қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 34-уй. Маълумот учун телефон: (+ 99871) 269-11-20.

И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиалига ўқишга кириш синовларида иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- ***ўрта маълумот ҳақида етуклик аттестати ёки унга тенглаштирилган ҳужжатнинг асл нусхаси;***
- ***паспорт ва унинг нусхаси (биринчи бетлари);***
- ***086/У шаклидаги тиббий маълумотнома;***
- ***3х4 см. ҳажмдаги олти дона фотосурат;***
- ***ҳарбий хизматга тегишли ҳужжат (шахсан кўрсатилади);***
- ***папка-тезткичик.***

Имтиҳонлар қуйидаги фанлардан ўтказилади:

2008 йил 4 июль	математика	ёзма
2008 йил 7 июль	физика	ёзма
2008 йил 7 июль	чет тили (инглиз)	оғзаки
2008 йил 10 июль	рус тили	тест

Фанлар бўйича консультациялар қуйидаги кунларда ўтказилади:

2008 йил 3 июль	математика	соат 10.00 ва 15.00 да
2008 йил 6 июль	физика	соат 10.00 ва 15.00 да
2008 йил 6 июль	чет тили	соат 10.00 да
2008 йил 9 июль	рус тили	соат 10.00 да

1024R/1082



М.В. ЛОМОНОСОВ НОМИДАГИ МОСКВА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ (МДУ)НИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ

АБИТУРИЕНТЛАР ҚАБУЛИ ҲАҚИДА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ҳозирги кунда М.В. Ломоносов номидаги МДУнинг Тошкент шаҳридаги филиалида етук, комил мутахассисларни тайёрловчи иккита факультет фаолият кўрсатмоқда:

➲ АМАЛИЙ МАТЕМАТИКА ВА ИНФОРМАТИКА

- Амалий математика ва информатика факультетига математика *(ёзма)*, рус тили ва адабиёти *(иншо)*, инглиз тили *(ёзма)* фанларидан имтиҳонлар топширилади. ***Ўқиш муддати — 4 йил.***

➲ ПСИХОЛОГИЯ

- Психология факультетига математика *(ёзма)*, рус тили ва адабиёти *(иншо)*, биология *(ёзма)* фанларидан имтиҳонлар топширилади. ***Ўқиш муддати — 5 йил.***

Қабул комиссияси 20 июндан 1 июлгача ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача ҳужжат қабул қилади.

Кириш имтиҳонлари 2 июлдан 13 июлгача бўлиб ўтади.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТОПШИРИЛАДИ:

- ✓ ариза;
- ✓ ўрта таълим ва ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси);
- ✓ паспорт нусхаси (паспорт кўрсатилади);
- ✓ 8 та 3х4 ҳажмли фотосурат (оқ-қора рангда, бош кийимсиз).

Кириш имтиҳонлари ва ўқиш рус тилида олиб борилади.

Давлат грантлари асосида ўқиб битирган талабалар ўрнатилган тартибга кўра Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ва муассасаларига ишга тақсимланадилар.

Вилоятлардан келган абитуриентлар ва ўқишга қабул қилинган талабалар тураржой билан таъминланадилар.

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси (собиқ Мовароуннаҳр кўчаси), 22-уй. Мўлжал — Тошкент автомобиль йўллари институти ёнида.
www.msu.uz

қабул комиссияси:
(+99871) 232-28-22.
Факс:
(+99871) 232-28-11.

1028R/1091

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2006 йил 12 январдаги 2-316-06-сонли ижро варақасига асосан, Андижон шаҳар СИБ томонидан хатланган, Андижон шаҳри, А.Фитрат кўчаси, 157-«А» уйда жойлашган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси, умумий майдони — 1147,46 кв.м., қурилиш майдони — 801,52 кв.м.дан иборат бинолар ҳамда 30 номдаги 50 дона мулк жиҳозлари билан. Бошланғич баҳоси — 50 101 467 сўм.

2. Андижон вилояти хўжалик судининг 2006 йил 2 февралдаги 17-0508-8241-сонли ижро варақасига асосан, Андижон шаҳар СИБ томонидан хатланган, Андижон шаҳри, Сой кўчаси, 5-уйда жойлашган «Машинасоз» шўъба корхонасининг омборхонасида сақланаётган, 1977 йилда Японияда ишлаб чиқарилган, «MITSUBISHI ACME-CRIDLEY» русумли ишлаб чикариш ускунаси. Бошланғич баҳоси — 53 414 755 сўм.

3. Андижон вилояти хўжалик судининг 2006 йил 22 сентябрдаги 17-0608-7641-сонли ижро варақасига асосан, Андижон шаҳар СИБ томонидан хатланган, Андижон шаҳри, А. Юлдашев кўчаси, 1-уйда жойлашган, «Андижонэлектродвигател» ОАЖ омборхонасида сақланаётган, 1998 йил Чехословакияда ишлаб чиқарилган, «ЭЛИТЕКС» русумли мато оқлаш ва бўяш линияси (1 тўплам). Бошланғич баҳоси — 108 959 379 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 8 июль куни соат 11.00 да Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уйда ўтказилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мулклар билан Андижон шаҳар СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асака» банки Андижон вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22622000200571452003, МФО 00069, ИНН 200933850.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8374) 224-48-53, 224-37-86.

Лицензия: DB 001 № 000004.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

нархлари ошиб бориши тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Хоразм вилояти хўжалик судининг 2007 йил 24 декабрдаги 10308-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари томонидан хатланган, «Туямўйин Урганч» минтақалараро сув қувурларидан фойдаланиш бошқармасига қарашли, Урганч шаҳри, ал-Беруний кўчаси, 15-уйда жойлашган, умумий ер майдони 14296,65 кв.метрни, шундан қурилиш ости ер майдони 545,91 кв.метрни ташкил қилган, 3 қаватли маъмурий бино ҳамда ёрдамчи бинолари. Бинода электр энергияси, газ таъминоти, иситиш тизими, водопровод ва канализация хизмат турлари мавжуд. Бошланғич баҳоси — 207 280 000 сўм.

2. Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 19 июлдаги 1-357/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Хоразм автойўл» магистраль йўллардан фойдаланиш бошқармасига етказилган зарарни қоплаш учун мусодара қилинган, «НИССАН-Патруль» русумли, давлат белгиси 30С5445 бўлган, тўқ яшил рангли, 1998 йилда ишлаб чикарилган, техник соз ҳолатдаги автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 50 804 556 сўм.

3. Хоразм вилояти хўжалик судининг 2007 йил 8 январдаги 5802-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари томонидан хатланган, «Хоразм автойўл» МЙФБга қарашли, Урганч шаҳри, Шовот канали бўйида жойлашган, қурилиш ости ер майдони 570,92 кв.метр бўлган, «Истиқлол» кафетерийси. Бошланғич баҳоси — 89 990 691 сўм.

4. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 20 августдаги 1/415/2007-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Қорабайр» савдо ишлаб чиқариш корхонасига қарашли бўлган, Урганч тумани, Шовот канали бўйида жойлашган, умумий ер майдони 23205,97 кв.метрни, шундан қурилиш ости ер майдони 1256,2 кв.метрни ташкил қилган, 17 номдан иборат бино ва иншоотлар мажмуаси. (1- 2-чойхона бинолари, 1- 2-омборхона бинолари, меҳмонхона биноси, иссиқхона биноси, 1- 3-ёрдамчи бинолар, 1- 6-бостирма иншоотлари). Бошланғич баҳоси — 202 631 574 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 10 июль куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уйда ўтказилади.

Ким ошди савдосига қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода иштирок этиш учун мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини РКМБ Хоразм вилояти филиалига (АТИБ «Ипотека» банки «Тинчлик» филиали, МФО 00580, х/р 20210000700571452056, ИНН 200933850) тўлашлари шарт.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: (8-362) 226-32-63. Факс 226-43-64.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН, ТАДБИРКОР ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!

Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» Фарғона вилояти филиали

очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

2008 йил 25 июль куни соат 11.00 да «Универсал биржа маркази» биносида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулк қайтадан савдога қўйилмоқда:

Суд ижрочиларининг Учкўприк тумани бўлими томонидан ЖИБ Учкўприк тумани судининг 2007 йил 8 январдаги 01-07-сонли ижро ҳужжатига асосан, рўйхатга олинган, Учкўприк тумани, «Сариқўрғон» ҚФЙ, Сариқўрғон қишлоғида жойлашган бино-иншоотлар.

Бошланғич баҳоси — 237 057 000 сўм.

Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22622000304234776002 АТ «Ипотека» банки Фарғона филиали, МФО 00544.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун ҳужжатлар тақдим этиш юзасидан ва қўшимча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» Фарғона филиали, Фарғона ш., А. Навоий к., 47-«А» уй, 2-хона. Телефон: 226-95-98.

1038H/1099

Лицензия серияси ДВ 001 № 000010.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

ЧИРЧИҚ ШАҲАР ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ
қуйидаги объектга ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Чирчиқ шаҳри марказий шифохонаси шошилинч тиббий ёрдам бўлимини капитал таъмирлаш».

Таъмирлаш муддати — 150 кун.

Қурилиш ишлари ***ҳомийлар ва Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳисобидан молиялаштирилади.***
Савдо ташкилотчиси — ***Тошкент вилояти «Тошконсалтингстройторг» давлат унитар корхонаси.***

Буюртмачи манзили: Чирчиқ шаҳри, 8-кичик туман, Марказий шаҳар шифохонаси.
Телефон: (370-71) 2-93-44.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Тошкент вилоятининг «Тошконсалтингстройторг» давлат унитар корхонасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй, 3-қават. Телефонлар: 306-97-17 / 308-75-15.

Танлов ҳужжатларининг бир тўплами қиймати — 100 000 (юз минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Чирчиқ шаҳри марказий шифохонаси биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

1031R/998

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети жамоаси умумий физика кафедраси доценти **Турғун Исҳоқович ИСХОҚОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари университет устоз-мураббийлар кенгаши раиси Наима Убайдуллаевага онаси **ҚУМРИХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мусаввир Нодир Шоабдураҳимов бетакрор истеъдоди, теран тафаккури ва санъатга муҳаббати боис эл назарига тушган ижодкор. У ўз асарларида эзгулик ва ҳаёт ҳақиқатини куйлайди. Хаёлот дунёсида жонланган ажойиботларни ёрқин ва сержило ранглар воситасида ифодалаш унинг ўзига хос услубидир.

МЎЙҚАЛАМ МЎЪЖИЗАСИ

— Болаликда бувимнинг ёнидан жилмай, қуроқ кўрпа тикишини томоша қилиб ўтирар, бундан бениҳоя завқланардим, — дея эслайди Н. Шоабдураҳимов. — Соддагина, камтарин шу аёлнинг лабида ним табассум ила берилиб иш тикаётганидаги нурли чеҳраси ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди. Бувим тиккан гулдор нақшларга боқиб, уфқдаги алвон лолалару қизғиш офтобга жилмайиб боққан нафис атиргуллар ифорини димоғимда туйгандек бўлардим, ўшанда.

Мурғак вужуднинг санъатга меҳр қўйиши, илк бор ранглар жозибасини ҳис этиши шу қадар оддий кечганди. Масъум болалик йилларидан мерос ушбу ширин хотиралар кейинчалик Нодир Шоабдураҳимовни шоирқалб ижодкорга, беқиёс салоҳият соҳибига айлантирди. Мусаввирнинг, айниқса, "Муқаддас учлик", "Мусиқачи", "Рақс", "Тўлқин узра", "Орзу дарахти", "Нотаниш аёл", "Бахт қуши", "Наргис", "Муқаддас оила" сингари асарлари кўнгил ҳисларига ҳамоҳанглиги, самимияти билан киши ёдида муҳрланиб қолади. Мазкур асарларда, асосан, шарқ аёлига хос ибо, андиша ва садоқат хислатлари улуғланган. Ижодкор аёлнинг нур балқиб турган гулгун чеҳраси, анордек ловуллаган ёноқлари мисолида вафо ва меҳр-муҳаббатни тараннум этади.

... Булбул сайраган кеча. Ҳусну латофатига ҳатто ойда ҳавас айлагувчи парирўй. Унинг хаёли билан яшашни туганмас бахт деб билгувчи ошиқ йигит. Севишганларнинг висол лаҳзаларига кўкдан мўралаб турган ҳилол шоҳид. Қизнинг ҳозиргина сув тўлғаган кўзаси дастагига келиб қўнган сайроқи булбул гувоҳ. Одатда, эрта тонгни жарангдор хонишила қаршиловчи сайроқи қуш ҳозир ошиқ ва маҳбубанинг саодатли онлари таърифини куйга солиш учун вақтни ҳам писанд этмай, атайин етиб келганга ўхшайди. Бу дилхуш наво сеҳридан севишганлар ҳаяжони юз чандон ортган.

Уларнинг ҳар иккиси ҳам бир-бирига ботиниб нигоҳ ташлолмайди.

Йигитнинг гўёки йиллардек узун туюлган ҳижрон кунларини ортда қолдириб, моҳирўйи васлига талпингани, унга атаб боғдаги энг хушбўй, энг чиройли гулни келтиргани қанчалар рост бўлса, айни дам юраги безовта типирчилаётгани, гул тутмоққа чоғланган қўлларининг ҳаяжон сабаб титроқ босгани шунчалар ҳақиқат.

Нигоҳлар ҳануз тўқнашишга журъат этолмайди. Фақат бир-бирига талпинган қалбларгина шивирлашади, диллашади. Икки дил шу он аҳду паймон, меҳру муҳаббат, ширин орзулардан дунёлар яратишга-да қодир! Ҳар қандай ёлғону алдовдан холи бу муносабатлар айни чоғ қадр ва вафодек мустаҳкам қўрғонга асос солмоқда эди!

Суратга боққанингиз сайин янги-янги маънолар уқаверасиз. Унинг осмондек мусаффо мовий бўёқлари ажиб жилваланиб, завқингизни келтиради, фикр-ўйларингиз янада равшан тортгандек, дилингизга чароғон нур ингандек ҳис этасиз, ўзингизни.

— Халқимизга хос самимият, ибо ва андиша сингари юксак инсоний фазилатлар айрим миллатларда ҳатто ўта ноёб хусусият саналади, — дейди Нодир Шоабдураҳимов ўз асари моҳияти хусусида сўзларкан. — Менимча, бу халқимизнинг фахрлансак арзийдиган ва асраб-авайлашимиз лозим бўлган бебаҳо фазилатидир. Ушбу асаримда айни шу жиҳатни ифодалашга, оққўнгил, эзгу ниятли элимиз фарзанд-атворини беғубор ва вафодай улуғ қудрат, бебаҳо бойлик, эзгулик ва нафосатдай беқиёс гўзаллик фақат аёлгагина хос. Шарқ аёлида эса бу хусусиятлар янада мукаммалроқ, яққолроқ намоён бўлади.

Бугун рассомнинг асарлари Германия, Италия, Россия, Покистон, Англия, Бельгия сингари мамлакатларнинг энг нуфузли санъат галереяларида сақланмоқда. Пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи ҳамда Темурийлар тарихи давлат музейлари, Тасвирий санъат галереяси сингари санъат ошёнлари кўркига кўрк қўшиб турибди. Унинг ушбу маданият ўчоқларидан жой олган она юрт, севги ва садоқат каби мавзулардаги композициялари юртдошларимиз ва хорижлик санъат ихлосмандлари эътирофига сазовор бўлаётир.

— Турли халқаро кўргазма ва фестивеллар баҳона жаҳондаги кўплаб мамлакатларда бўлдим, — дейди Н. Шоабдураҳимов. — Аммо биз сингари бебаҳо мероси, улуғ аждодлари билан фахрланувчи эл камдан-кам топилади. Негадир, ҳар гал хориж сафаридан қайтсам, Самарқанд, Бухоро, Хиваю Қўқон томонларга боришни қўмсаб қоламан. Регистон, Минораи Калон, Шердор мадрасасию Худоёрхон ўрдаси сингари нодир меъморий ёдгорликлар зиёратига бораману кўҳна обидалар қаршисида соатлаб хаёл сураман. Айтсам, ишонмаслигингиз мумкин, аммо бу нодир иншоотлар тасвирини ҳеч қачон ўша ернинг ўзида туриб, чизмаганман. Шу мавзудаги ҳар бир ижод маҳсулим юрагимга фахр ҳиссини солган ўйлар таъсирида яралган. Умуман, одатда, бу йўл билан ўз иқтидоримни синаб ҳам кўраман. Кўриб таъсирланганим бирор манзарани мўйқаламда ифодалаш жараёнида қийинчилик сезмадимми, демак, кўнглимдан кечган ҳислар самимий. Мен уни ҳеч иккиланмай, бор меҳримни бериб чизган суратларим қаторига қўшишим, санъат мухлисларига тортиқ этишим мумкин.

Ўз-ўзига нисбатан шундай талабчанлик чинакам маънода ёниққалб ижодкорга хос, шундай эмасми? Зеро, санъатни шунчаки касб тақозосига йўйиш эмас, балки қалб амри, кўнгил истаги деб билишгина истеъдодни юксалтиради. Ёш санъаткорнинг ижодга муносабати, эришган муваффақиятлари ва эларо қозонган обрўси давлатимиз раҳбарининг ҳам эътиборига сазовор бўлди. Президент Фармонига мувофиқ, 2000 йили Нодир Шоабдураҳимов ижоддаги ютуқлари, халқимиз маънавий дунёқарашини юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. У меҳнатлари учун берилган бундай юксак баҳодан ҳамиша фахрланади, рағбат ҳиссини туяди:

— Худди асарларимдаги каби мен учун кундик қоним тўкилган тупроқ, ота-она ва оиладан азизроғи йўқ, — дейди у. — Ақлимни танибманки, шу туйғу юксак чўққилар сари етаклайди. Зеро, она Ватаним, мени дунёга келтирган ва меҳр берган азизларим бағрида ўзимни бахтиёр ҳис этадиган ошёним — оилам ишончини оқласам, эришган ютуқларим сабаб яқинларимга кувонч ҳадя этолсам, умрим беиз кетмагани шудир.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

▼ Инсон манзаралари

Эрталаб кўчага чиқсам маҳалламиз отахонлари гуруҳлашиб кетишаётган экан. Булар маҳалламизнинг беш устуни: Аҳмад ота, Ахтам ота, Ашур ота, Баҳром ота, Ислом ота.

— Ассалому алайкум. Яхши дам олдингизларми? Эрталабдан қаерга шошаяпсизлар?

Отахонлар қуюқ сўрашишди:

— Ҳа энди маҳалла тинч, обод бўлсин деймиз-да. Ўзинг яхшимисан, рўзғоринг тинчми? Онангни ҳолидан хабар олиб турибсанми? Худо раҳмат қилсин, отанг ёш кетди. Элпарвар, жонкуяр инсон эди. Доим кўпнинг корига яраб яшади. Бақобой ота ким десалар, Янгиобод қишлоғидагина эмас, балки бутун Шофиркон аҳли яхши одам эди, дейди. Бу сўзларни эшитиб, кўнглим ҳапқириб кетди. Ҳолатимни сезган Баҳром ота сўз қотди:

— Хўш, ука, қадам босишингдан бугун ишларинг камроққа ўхшайди... Дунёда нима гаплар?

САБОҚ

Отахонларга эшитганларим, ўқиганларим-у, телевизорда кўрган янгиликларни билганимча гапириб бердим. Айниқса, муҳтарам Юртбошимиз томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган яратувчилик ишлари, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий масалаларнинг оқилона ҳал этилаётганини жойлардаги ўзгаришлар мисолида сўзлаб берар эканман, отахонлар юраётган йўлларида гоҳ тўхташиб, гоҳ майда қадам ташлашиб, бири қўйиб-бири саволга тутиб туришди.

— Бизни кўп нарсалардан хабардор қилдинг, кам бўлма, ука. Қани, мана буларни кўтариб ол, — маҳалла оқсоқоли қўлимга ул-бул солинган иккита халтани тутқазди. — Энди бундай, сен ҳам шу маҳалланинг бир аъзосисан. Вақтинг бўлса биз билан бир хонадонга кириб чиқсанг, савобга қоласан. Сабзикор кўчасидаги Акромжонни биласан-а, шу йигит икки ойдан бери тўшакка михланиб қолган. Катта оиланинг боқувчиси эди, ота-онаси кексайиб қолган.

Отахонларга эргашдим. Улар билан ёнма-ён бораяпман-у, хаёлим Акрамжонда. Ажабо, вақт тез ўтаяптими ёки биз шунчалик беэътибор, беҳафсала бўлиб қолдикми? Кексалар ёшларни койинганларида, балки шунинг учун ҳам "Бир-бирларингизга меҳр-оқибатли бўлинглар, умр дарё, қандай оқиб ўтганини билмай қоласизлар", деб қайта-қайта уқтиришар... Тўғриси, ўйланиб, Акрамжоннинг эшигига келиб қолганимизни билмай қолибман...

— Ҳой қим бор.

Бир оз ўтгач Акрамжоннинг аёли Мастурахон пешвоз чиқди.

— Ассалому алайкум, Ахмад ота, келинглар, марҳамат...

Отахонлар билан дарвозадан кирар эканман, ҳовлининг ораста лигига кўзим тушди. Ҳаммаёқ тоза, озода, супуриб-сидирилган. Супа устидаги ишкомда узум ғўралари кўзни қувонтиради. Сўрида Акрамжон, унинг отаси Абдулла ота ва онаси Холида холалар гурунглашиб ўтиришган экан. Бизни кўриб Абдулла ота шошиб ўрнидан турди, чеҳраси очилиб, қувониб сўрашди.

— Қадамларингизга ҳасанот. Хуш кўрдик. Қани, юқорига марҳамат.

Сўрида ётган Акрамжон қийналиб қаддини кўтарди.

— Айбга буюрмайсизлар, туролмадим...

...Ҳол сўраш навбати менга келди-ю, негадир томоғимга бир нарса тиқилгандек, овозим бўғилди. Беихтиёр ўзимдан ўзим нафратланиб кетдим. Ахир, Акрамжон билан бирга ўсиб, катта бўлган бўлсак, тўй-ҳашам, маъракаларда бирга хизмат қилардик. Мен эса... Унинг камнамо бўлиб қолгани билан қизиқмабман ҳам. Қани ер ёрилса, ерга кирсам.

— Акмал, яхшимисан. Ишлаб юрибсанми? — дейди менга қараб Акрам.

— Кеча қизим Комила билан бирга ўқийдиган кичик қизинг келган эди, амаки сизни кўргани келдим, нега бизникига бормай қўйдингиз, дейди. Бола-да, юриб кетсам бораман, десам, дадамларга айтаман, юришингизга ёрдамлашгани келадилар, деса бўладими, барака топгур...

...Акрамжоннинг юракдан айтган беғубор сўзлари қалбимни титратди. Яна мулзам тортдим.

Отахонлар анча вақтгача Акрамжон ва унинг отаси билан самимий суҳбат қуришди. Ҳазил-мутойиба, аския ҳам бўлди. Акромжон хумордан чиқиб кулди. Оқсоқоллар бирор марта Акрамжоннинг хасталигини тилга олишмади. Фақат "Тезроқ ҳаракатингни қил, сени катта ишлар кутиб турибди. Умидимиз сендан, новвойхона қурмоқчимиз, қўли гул устасан, ахир. Кўпам ётаверма, бир-икки катта ҳашарларимиз бор. Ёшларга бош бўлиб туришинг керак", дея Акрамжонни руҳлантиришди. Келганимизда овози ҳазин Акрамжон, ишонч билан "Худо хоҳласа, ўзим бош бўламан", дея қатъият билан гапира бошлади. Назаримда, дарди аригандек бўлди. Ҳа, қари билганини пари билмас. Бу отахонлар ҳақиқий ҳаёт мактабини ўтаган, чинакамига ибрат ва ҳикмат намунаси...

Хуллас, ҳамманинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Мезбонларнинг димоғи чоғ бўлди. Меҳмонлар эса ногаҳоний турмуш ташвишидан хиралашган хонадонга бир қучоқ нур олиб келишди, гўё. Оқсоқолимиз суҳбатга якун ясади.

— Бу хонадон қувонч, яхши кунлар даргоҳи бўлиб қолсин. Юракдан чақ-чақлашдик. Энди бизга рухсат. Мактабга бориб болажонларимиз билан учрашмоқчимиз. Ўтган-кетганлардан гапириб, бугуннинг қадрини тушунтирайлик. Бу бахтли замон шукронасини биздан эшитганлари маъқул.

Акрамжон, унинг ота-онаси, маҳалла оқсоқоллари билан хайрлашиб, ишхонам сари йўл олдим. Юраяпману, қалбимда аллақандай ёруғ ҳислар жўш ураётганидан ҳаприкардим. Чунки, оқсоқоллар одамийлик нима эканлиги ҳақида сабоқ беришди. Одамийлик — бу меҳр-оқибат, шафқат, инсонларни тушуниш, қадрлаш, улар билан ўзаро эҳтиромда, эъзозда, бохабарликда яшаш экан.

Бинобарин, инсон меҳр билан безанади, гўзаллиги савоб ишлар жилосида акс этади. Ҳаёт сабоқлари — яхшилик, эзгулик мазмунидир, деган экан, донишмандлардан бири...

Дарҳақиқат, шундай. Шофирконнинг Янгиобод қишлоғилик донишманд отахонлар — Аҳмад ота, Ахтам ота, Ашур ота, Баҳром ота, Ислом ота қалбим кўзига тушган пардаларни олиб ташлашди.

Вафо ЛАТИПОВ,
техника фанлари номзоди.

Ёзнинг шу жазирама кунларида яшил либосга безанган она табиат қучоғида, хушманзара боғлар бағрида дам олганга нима етсин. Агар шу ҳордиқ айёмига танга малҳамдек хуш ёқувчи муолажалар ҳам қўшилса айни муддао.

ТАНГА ҲАМ, КЎНГИЛГА ҲАМ МАЛҲАМ

Янгийўл туманидаги Нов қишлоғида жойлашган Кўзи ожизлар жамиятига қарашли санаторийда ҳозир шундай шароит муҳайё этилган. Сиҳатгоҳда 1796 метрлик ер қаъридан чиқаётган маъданли сув дам олувчилар организмига чинакам шифо бахш этмоқда. Ушбу оромгоҳдагина мавжуд бўлган ноёб тиббий ускуналар қисқа муддатда турли хасталиклардан холи бўлишда муҳим ўрин тутмоқда. Мазкур маскан ҳудудидан ўтган Жун ариғи ажиб микроиқлимни вужудга келтирган.

Хуллас, Нов санаторийсига келган одам оиласи бағрига руҳи бардам, димоғи чоғ қайтиши турган гап.

Даврон АҲМАД.
Муаллиф олган суратлар.

ҲАР ИШНИНГ МЕЪЁРИ БОР

«Халқ сўзи» саҳифасида юқоридаги сарлавҳали мақолада долзарб масалани ўртага ташлаган. Болаларимиз дунёқараши, маънавияти, соғлиғига хавф солаётган муаммо кўтарилган ва бу мавзу мутахассислар фикри билан бойитилган.

«Сотка кўтарган болакай» («Халқ сўзи» 2008 йил, 4 июнь) сарлавҳали мақолани ўқиб...

Акс-садо

Чиндан ҳам, нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ жойларда «сотка» кўтарган болалар кўпайиб боряпти. Бунинг муаллиф айтганидек, ижобий томонлари кўп. Ишингиз тез битади. Излаган кишингизни топиш осон. Аммо, «сотка жинниси»га айланаётган айрим ёшларни кўриб ҳафсаланг пир бўлади. Ҳаттоки, 3-5 яшар ўғил-қизлар ҳам «соткани бер» деб ҳаржаша қилади. Мусиқасини тинглаб, рақсга тушади. Баъзи ота-оналар фарзандининг бу ишкибозлигидан қувониб, уларни таниш-билишлари билан гаплаштиришгача бораяпти.

Оиласи тўқ, фаровон, топар-тутари жойида бўлган оилаларнинг дилбандлари мобил телефонларнинг энг замонавийларини кўз-кўз қилмоқдалар. Чиқими билан иши бўлмай кун бўйи бўлар-бўлмасга соатлаб гаплашишади. Телефонда сўзлашиш одоби, меъёри, маънавиятини калондимоғлик билан назар-писанд қилишмайди.

Ҳа, уйда, автобусда, ошхонада, бозорда, кўчада, дарсларда, ҳаттоки мажлисларда бақириб-чақириб, сўкиниб, хохолаб кулиб ҳаммани «қойил» қилаётган соткачилар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Мобил алоқага бўлмағур, ҳақоратомуз «ҳазиллар»ни ёзиб, дўстларини боплаётган шоввозлар ҳам йўқ эмас. «Қовун-қовундан ранг олибди» деганларидек, соткаси бор болаларга тақлид қилиб амал-тақал кун кечираётган, кам даромадли оилаларнинг ота-онасига «сотка» олиб беришларини талаб қилаётган фарзандлари қанча.

Бундай ҳолатларни бартараф этиш учун эса мақолада таъкидланганидек, «Энг яхши йўл таълим-тарбиядир». «Сотка» кўтариб юрган болаларимизга ундан фойдаланиш маданиятини ўргатишимиз керак. Бу борада ота-оналар билан ўқитувчилар ҳамкорлиги жуда зарур. Мутахассисларимиз эса бу ҳақда қўлланмалар ёзиб тавсия этмоғи лозим, деб ўйлайман.

Н. ТЎРАЕВ,
Термиз шаҳри.

Билиб қўйган яхши

ШИФОБАХШ НЕЪМАТ

Карамнинг ватани Атлантика океанининг Европа қирғоқлари ҳисобланади. Ҳозирги кунда аҳоли истеъмол қилаётган карам навларини қадимги римликлар етиштирган. Карам лотин тилида «бош» деган маънони англатади.

Карамнинг етмиш хили мавжуд. Унинг айниқса, гул, оқ, қизил, Брюссель, савой, кольраби турлари кенг тарқалган. Карам навлари орасида гулкарам ўзига хос таъм ва хушбўйликка эга. Ёввойи карам эса аччиқроқ. У қадимдан шифобахш хусусиятлари билан донг таратган. Юнонлар ва римликлар карам билан уйқусизликни, тутқаноқ касаллигини даволаганлар. Буюк саркарда Искандар Зулқарнайн лашкарларини жангга киришдан олдин карам ёки карамли таомларни истеъмол қилдиргани ҳам бежиз эмас. У қувват беради, иштаҳани очади. Шарбати кишини тетиклаштиради. Карам таркибида организм учун зарур ва фойдали жуда кўп моддалар мавжуд. Қанд моддаси, оқсил, минерал тузлар, турли ферментлар, олтингугурт ва фосфор тузлари, С, А, В1, В2, В5, Р,К сингари дармондорилар шулар жумласидандир.

Шарқ табобатида карамни чайнаб, суви сўрилса, бўғилган овоз очилиши тасдиқланган. Бундан ташқари, у организмдаги модда алмашинуви жараёнига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Айтиш жоизки, карамнинг шираси ҳам табобатда кенг қўлланилади. Ширасини тайёрлашда оддий шира ажратгичдан фойдаланилади. Шунингдек, карамни қиймалагичдан ўтказиб, ширасини докадан сузиб олиш ҳам мумкин. Уни бир кунлик миқдорда тайёрлаш мақсадга мувофиқ. Чунки узоқ вақт сақланганда шарбат ўзида ноҳуш ҳид пайдо қилади. Меъда касалликларига чалинган кишиларга ана шу ширадан ҳар куни уч-тўрт пиёла (овқатдан олдин) ичиш тавсия этилади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

1. РКМБ Қашқадарё вилояти филиали аукцион савдосига Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2006 йил 24 ноябрдаги 18-0602/15533-сонли ижро варақасига асосан, Деҳқонобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Ибн-Сино» ширкат хўжалигига қарашли, Деҳқонобод тумани, Окработ қишлоғида жойлашган, 1974 йилда қурилган, умумий майдони 3803,4 кв. метр, фойдаланиш майдони 2828 кв.метрдан иборат бўлган консерва цехи.

Бошланғич баҳоси — 50 400 000 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 22 июль куни соат 10.00 да Қарши шаҳри, М. Абдуллаева кўчаси, 20-уйда бўлиб ўтади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини РКМБ Қашқадарё вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000200571452006, Қарши шаҳри, «Асака» банки, МФО 00194, ИНН 200933850.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: (8-375) 225-44-58.

2. РКМБ Қорақалпоғистон Республикаси филиали аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг 2007 йил 16 апрелдаги 23-0705/1818-сонли, 2007 йил 8 январдаги 23-0606/11949-сонли, 2007 йил 6 июлдаги 23-0704/5237-сонли, 2007 йил 6 августдаги 23-0705/6705-сонли, 2007 йил 24 сентябрдаги 23-0702/10634-сонли, 2006 йил 15 декабрдаги 23-0604/1283-сонли, 2008 йил 24 мартдаги 23-0606/7397-сонли, 2008 йил 19 февралдаги 413, 414, 415-сонли, 2007 йил 23 январдаги 23-0603/13948-сонли ижро варақаларига асосан, Нукус шаҳри суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Нукус шаҳри, Хўжайли гузари, Давлат божхона кўмитасининг автомобилларни сақлаш майдончасида сақланаётган, давлат фойдасига мусодара қилинган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, фойдаланишга яроқли, давлат рақами В14 015 бўлган «Мерседес Бенц 1317» русумли юк автомашинаси.

Бошланғич баҳоси — 60 000 000 сўм.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун РКМБ Қорақалпоғистон филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: 20210000100571452055, «Миллий банк» Қорақалпоғистон филиали, МФО 00582, ИНН 200933850.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-361) 222-84-44, 770-65-90.

3. РКМБ Навоий вилояти филиали аукцион савдосига Хатирчи тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Навоий вилояти хўжалик судининг 2008 йил 15 май, 2007 йил 5 октябрь, 2007 йил 29 октябрдаги 1355/1087/14262-сонли ижро варақаларига асосан, хатланган, 2004 йили ишлаб чиқарилган, техник носоз «НИВА СК 5-1» русумли ғалла ўриш комбайни қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 167 949 936 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 23 июль куни соат 10.00 да Навоий шаҳри, П. Очилов кўчаси, 24-уйда ўтказилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Навоий филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452458, АТИБ «Ипотека» банки Навоий бўлими, МФО 00205.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-436) 224-15-61, 224-64-31.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Мазкур савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Лицензия: DB 001 № 000004.

«MAXI» ТАРИФ РЕЖАСИ

Ўзбекистондаги МТС компаниясидан мобил телефон орқали кўп мулоқот қиладиганлар учун имтиёзли дақиқалар киритилган ***янги «MAXI»*** *тариф режасини таклиф этамиз.*

Янги тарифда абонентлар ҳар ойда **имтиёзли 1500 дақиқага** $25 абонент тўловига эга бўладилар. **«MAXI»** режасида МТС — Ўзбекистон тармоғи ичидаги кирувчи ва компания маълумот хизматига қўнғироқлар бепул ва имтиёзли дақиқаларни сарф қилмайди. Ўзбекистон бўйича бошқа қўнғироқлар имтиёзли дақиқалар тугагандан сўнг худди тармоқ ичидаги чиқувчи алоқадек нархланади — **бир дақиқа учун $0,02**.

«MAXI» тариф режасига компания офисларида, МТСнинг дилерлик ҳамда PAYNET тўлов пунктларида уланиш мумкин. Аввалдан уланган абонентлар янги тарифга USSD-порталнинг ***111#** рақамига ёки ***111*109#** USSD-команда рақамига қўнғироқ қилиб ўтишлари мумкин.

Янги тариф ҳақида таниқли хонанда **Озодбек Назарбеков** шундай деди: *«МТС алоқасидан кўпдан бери фойдаланаман. Компания таклиф этадиган янгиликлар доимо мени хурсанд қилади. Янги тариф режасини мен дўстларимга тавсия қилдим, чунки биз жуда кўп мулоқот қиламиз. «MAXI» билан эса бу янада қулайроқдир».*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 35900 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.45 Топширилди — 01.25 1234567